февраль

Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

№15 (364)
2020 йил 25 февраль, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## КИМЁ САНОАТИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни кимё саноатини ислоҳ қилиш бўйича истиқболли режалар ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда соҳани модернизация қилиш, молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Тармоқ корхоналарининг рентабеллигини кўтариш мақсадида бозор механизмлари жорий этилиб, нархни шакллантириш тартиби бутунлай қайта кўриб чиқилди. Натижада кимё тармоғи ўтган йилни 2018 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп фойда билан якунлади.

«Навоийазот» акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди. Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, «Навоийазот» акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводлари қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йил январь ойида парламентга йўллаган Мурожаатномасида ва Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида кимё соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳукумат олдига уни модернизация қилиш, илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш бўйича қатор вазифалар қўйган эди.

Бу бежиз эмас. Чунки мазкур тармоқда муаммолар, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Жумладан, юртимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлган, мураккаб таркибга эга бўлмаган кимё маҳсулотлари четдан олиб келинмоқда. Экспорт структураси диверсификация қилинмаган, бунда ҳанузгача минерал ўғитлар улуши жуда катта. Ишлатилаётган ускуналар 60 фоиз эскирган, энергия сарфи меъёрдан 2-3 баравар ортиқ.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия сарфини камайтириш ҳисобига таннархни пасайтириш бўйича топшириқлар берилди. «Рақамли технологиялар»ни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавфли жараёнларда автоматлаштириш даражасини кўтариш муҳимлиги қайд этилди.

Кимё соҳасида янги йўналишларни ривожлантириш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, истеъмол товарлари, озиқ-овқат ва фармацевтика учун зарур хомашё ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Навоийазот» акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ишлаб чиқаришни тез муддатда лойиҳа қувватига олиб чиқиш ҳамда иккинчи босқичини лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

«Фарғонаазот» акциядорлик жамияти, Қўнғирот сода заводи ва Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида давлат улушини инвесторларга сотиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу мақсадда «Навоийазот» акциядорлик жамиятида бўш турган майдонлар негизида ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Маълумки, жорий йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниб, ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш белгилаб олинди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги муҳим йўналишлардан бири эса кимё соҳасидир.

Шу боис йиғилишда ушбу тармоқда таълим ва илм-фанни такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлаш жуда муҳимлиги таъкидланди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, бунинг учун тадқиқотларнинг соҳа корхоналари эҳтиёжига ҳамоҳанглигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот институти ташкил этиш, Тошкент кимё технология институтида мутахассисликлар ва ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ва соҳадаги истиқболли режалар юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

## ЯПОНИЯ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ушбу давлатлар нафақат Осиё, балки бутун дунёда, айниқса, юксак технологиялар соҳасида етакчи ҳисобланиши, кенг инвестиция имкониятларига эга эканини таъкидлаш жоиз.

Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси ва мунтазам мулоқотлари туфайли Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган, ҳамкорликнинг турли йўналишларида яқин алоқалар йўлга қўйилган.

2019 йилда икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очган самарали ташрифлар амалга оширилди. Хусусан, 18-21 апрель кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин мамлакатимизда, 17-20 декабрь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияда ташриф билан бўлди. Учрашув ва музокаралар натижасида ҳукуматлараро ва идоралараро салмоқли ҳужжатлар имзоланди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувларга эришилди.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари изчил ошиб бораётгани таъкидланди. Ўтган йил якунларига кўра Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошди. Бугунги кунда юртимизда Кунчиқар мамлакат иштирокида ўттизга яқин корхона фаолият юритмоқда.

Эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Японийалик шериклар билан ҳамкорликда геология, кимё ва нефть-кимё, банк-молия, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда умумий қиймати 6,6 миллиард долларлик 48 та лойиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, «HIS» компанияси билан меҳмонхоналар қуриш, «Isuzu» ва «Itochu» билан «СамАвто» корхонаси ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан Навоий иссиқлик энергия станциясида энергия блоклари (Навоий-3) қуриш бўйича ва кўплаб бошқа лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Йиғилишда икки томонлама турли тадбирлар, жумладан, ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон – Япония ҳамкорлигини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Корея Республикаси билан ҳам иқтисодий алоқалар салмоқли даражада ривожланмоқда. Хусусан, ўтган йил якунига кўра икки томонлама савдо ҳажми 2018 йилгига нисбатан 27 фоизга, жумладан, экспорт 30,1 фоизга ошди. 2019 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Жанубий Корея сармоялари иштирокида 198 та корхона ташкил этилди, уларнинг умумий сони 800 дан ошди.

Кореялик шериклар билан биргаликда Тошкент шаҳрида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини қуриш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилаётгани таъкидланди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Tashkent Farma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини яратиш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, виварий, фармакопея марказини ўз ичига олган Фармацевтика техника университети ҳамда дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва техникасини ишлаб чиқариш учун саноат зонаси ташкил этишни назарда тутади.

Қишлоқ хўжалиги, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, кимё, текстиль, электротехника, фармацевтика, заргарлик саноати, таълим ва инновациялар ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) техник кўмаги билан 2019 йилда соғлиқни сақлаш ва стандартлаштириш бўйича умумий қиймати 13 миллион долларлик иккита грант лойиҳаси доирасида иш олиб борилди, яна 29,6 миллион долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2020-2022 йилларда умумий қиймати 72,2 миллион долларлик 10 та лойиҳа ўрганилмоқда.

Корея Республикаси Эксимбанки билан ҳамкорлик доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва биргаликда молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига 2 миллиард долларлик ресурслар жалб қилинди ҳамда 14 та стратегик муҳим лойиҳа амалга оширилди. Умумий қиймати 608 миллион долларлик 6 та лойиҳа устида иш бошланди.

Мухтасар айтганда, Япония ва Жанубий Корея билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 40 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 4,1 миллиард долларга, экспорт ҳажмини эса 1,14 миллиард долларга ошириш назарда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев олий даражадаги ташрифлар якунида ишлаб чиқилган «йўл хариталари»да 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, аниқ вазифалар белгиланди.

**ЎзА.**

## ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР

**Аслини олганда, замонавий мактабларнинг кўриниш ва қулайликлари қай даражада бўлмоғи мақсадга мувофиқ?**










Мамлакатимизда ўсиб келаётган навқирон авлод вакилларининг ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш мақсадида уларга жаҳон талаблари асосидаги замонавий билимларни бериш борасидаги эзгу ишларнинг амалий кўриниши сифатида юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб илм даргоҳлари барпо этилиб, зарур ўқув жиҳозлари билан тўлдирилмоқда. Ўзбекистонда таълим тизимини янада ривожлантириш мақсадида қатор эзгу ва хайрли ишларга қўл урилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 26 ноябрда қабул қилинган «Замонавий мактаб»ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4537-сонли қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

*(Давоми 6-бетда)*

## «Қурилиш жараёни калькулятори»

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг расмий сайтида жойлаштирилади

**Эндиликда хорижлик инвестор ва ёки маҳаллий тадбиркор хоҳлаган вақтида ана шу калькулятордан фойдаланиши мумкин. Дейлик, у бирор-бир объект қурмоқчи, бунинг учун ишни нимадан бошлаш керак, қандай босқичлардан ўтилади ёки қайси ҳужжатлар талаб этилади, қўйингки сарфланадиган маблағ ва вақт ҳам унда аниқ кўрсатилади.**

*Батафсил 3-саҳифада.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№15 (364) 2020 йил 25 февраль

# Фармон ижроси таъминланади

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони кенг ўрганилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигида Давлатимиз раҳбарининг қайд этилган Фармони ижросини таъминлаш бўйича 2020 йилда амалга ошириладиган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда таъкидланишича, Фармонга асосан, 2020 йил 1 январдан бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилди. Бунда ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги пул маблағларини тижорат банкларига 15 йил муддатга бозор шартлари асосида жойлаштиради. Булардан ташқари, тижорат банклари аҳолига ўз маблағлари ва Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитларини тақдим этади.

Фармон билан ипотека кредити шартлари енгиллаштирилди, шунингдек, алоҳида тоифага мансуб аҳоли учун бюджетдан субсидия ажратилади. Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасидаги субсидиялар олиш учун аризалар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади. Жорий йилда 17 мингдан ортиқ уй-жой қурилиши кўзда тутилиб, шундан 13 мингдан ортиқ оила имтиёзли таклиф билан шароитини яхшилаши мумкин. Маълум қилинганидек, эндиликда тижорат банклари томонидан ипотека кредитлари қуйидаги шартларда берилади, яъни битта қарз олувчига бериладиган кредитнинг чекланган миқдори белгиланади, қишлоқ жойларда – уй-жойнинг ҳисоб қийматидан 90 фоиздан ошмаган миқдорда 15 йилга, 10 фоиз бошланғич бадал билан тақдим этилади.

Анжуманда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия, Қурилиш вазирликлари ҳамда Марказий банк вакиллари сўзга чиқиб, қабул қилинган Фармон ижроси юзасидан қурилиш-пудрат ташкилотлари вакилларига ҳам атрофлича маълумот бердилар.

– Тадбир доирасида уй-жой қурилиши билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар, мазкур Фармон билан берилган имконият ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик, – дейди «Юксак парвоз» қурилиш ташкилоти таъсисчиси Азиз Ҳолиқов. – Ташкилотимиз Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари билан шуғулланади. Сергели ҳамда Олмазор туманидаги Нурафшон кўчаси атрофида арзон кўп қаватли турар-жойларини барпо қилиш ишларида фаол иштирок этган. Булардан ташқари, пойтахтда бир нечта мактабгача таълим муассасалари, тиббиёт муассасаларини қуриб, аҳолига фойдаланиш учун топширганмиз. Ташкил этилган анжуманда тижорат банклари орқали субсидиялар олиш ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик.

Фармонга мувофиқ, Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларда ер майдонлари «E-IJRO AUKSION» электрон аукцион орқали сотилиб, бунда, муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш электрон аукционда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъекти томонидан ўз маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Аҳолининг уй-жойга муҳтож қисмини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича мутлақо янги, энг муҳими, аниқ манзилли тизим жорий этилади. Янги тартибни амалга оширишда уй-жойлар аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда массив шаклида қурилади. Авваллари қишлоқ жойларида қурилаётган кўп қаватли арзон уйлар тарқоқ жойлашгани сабабли ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва уларни сақлаш харажатлари ҳамда инфратузилма объектлари, яъни йўл, ичимлик суви, табиий газ, электр энергиясини ўтказиш ишларига кўп миқдорда маблағ талаб этилар эди. Натижада, қурилган уйлар узоқ муддат ўз харидорларини топмаган.

Таъкидлаб ўтилганидек, эндиликда уй-жойлар вилоят, туман ва шаҳар марказларига туташ ҳамда инфратузилма объектлари мавжуд ҳудудларда ҳар бири камида 200 та хонадонли кўп қаватли уйдан иборат массив шаклида қурилади. Бу эса – инфратузилма харажатини камайтириб, аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширади, ерлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

– Янги тартибнинг яна бир афзаллиги – аввалги йилларга ўхшаб уй-жойларни қуриб, кейин унга харидор қидириш оқибатида тайёр уйлар йиллаб сотилмасдан қолишини олдини олиш мақсадида шаҳарларда қурилишни молиялаштириш тизими такомиллаштирилади, – деди Молия вазирининг биринчи ўринбосари Темур Ишметов. – Бунда тайёр қурилган уй-жойларга талабгорлар рўйхати шакллантирилиб, бошланғич бадал йиғилиб, молиялаштириш очилади. Шунингдек, янги тартиб жорий этилиши натижасида лойиҳалаш ва қурилиш ишларини бажаришда рақобат муҳити шаклланади ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иштироки учун қулай шароит яратилади. Қурилиш материалларини марказлаштирилган тартибда етказиб бериш тизими бекор қилиниб, барча турдаги қурилиш материаллари қурилиш-пудрат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан харид қилинади. Бу ўз навбатида, материаллар бевосита тадбиркорнинг ўзи томонидан сотиб олиниши сабабли қурилиш материаллари бозорида рақобат ривожланади ва уй-жойларнинг нархи ва сифатига таъсир кўрсатади.

Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қурувчи тадбиркорлик субъектларига қўйиладиган малака талабларини, танлов савдоларини ўтказишда «қиймат – миқдор» мезонларидан фойдаланилиши, яъни халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда қуриладиган уй-жойларнинг 1 квадрат метр нархидан келиб чиқиб танловларнинг ўтказилиши соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига ва уйларнинг арзонлашишига олиб келиши юзасидан фикрлар билдирилди. Шунингдек, йиғилиш давомида қуриладиган уйларнинг нархини арзонлаштириш ва сифатини ошириш учун инновацион қурилиш материалларини ишлатиш ҳамда энергиятежамкор ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиладиган ёритиш ва иситиш тизимлари, ускуна, қурилма ҳамда мосламалар билан жиҳозлаш зарурлиги иштирокчилар томонидан эътироф этилди. Ҳусусан, ғишт ўрнига газобетон ва пенобетондан ишлатилса, газ сарфи 8 баравар камайиши, иссиқлик сақлаш эса 5 баравар ошиши ҳамда бунда тупроқ деярли ишлатилмаслиги цемент ва арматура учун сарфланадиган харажат қисқариши таъкидланди.

Йиғилишда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи ва уйнинг қийматини арзонлаштирувчи айрим маҳсулотларнинг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларига Иқтисодиёт ва саноат, Молия, Қурилиш вазирликлари ҳамда Марказий банк мутасаддиларидан батафсил жавоб олдилар.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

## УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИНГ МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ
## Квартиралар сони – 17 750 та, жами қиймати – 5,2 трлн. сўм

➢ **Қишлоқ жойларда** – уй-жойлар Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари шаҳарларига ва туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда қурилади.

Жами квартиралар сони 4 000 та.

➢ **Шаҳарларда** – уй-жойлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар шаҳарлари ва Тошкент шаҳрида қурилади.

Жами квартиралар сони 13 750 та.

## УЙ-ЖОЙ МАЙДОНИ ВА ҚИЙМАТИ

➢ Уй-жойнинг чегараланган майдони ва қиймати ўрнатилмайди.

➢ Қарз олувчига уй-жойнинг жойлашган жойи ва майдонини мустақил танлаш ҳуқуқи берилади.

➢ Кредитнинг энг юқори миқдори ўрнатилади.

➢ Бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг ва айрим шахсларга тўланадиган субсидияларнинг энг кўп миқдорини аниқлаш мақсадида уй-жойларнинг ҳисобланган қиймати белгиланади (1–жадвал).

➢ Квартира қийматининг уй-жой ҳисобланган қийматидан ошган ва кредит билан қопланмаган қисми қарздорнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади.

## ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ АЖРАТИШ ТАРТИБИ

**Қишлоқ жойларда:**

➢ Ер участкалари Ўздавгеодезкадастр қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Урбанизация агентлигининг хулосаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг розилигини олган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорларга ажратилади.

➢ Макромассив шаклида камида 200 та квартирали кўп квартирали уйлар қурилади.

➢ Қурувчи тадбиркорлик субъектлари танлов асосида аниқланади.

➢ Ер участкалари танлов савдоларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига электрон аукцион савдоларисиз бепул берилади.

**Шаҳарларда:**

➢ Ер участкалари Ўздавгеодезкадастр қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Урбанизация агентлигининг хулосаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг розилигини олган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар томонидан «Е–ИЖРО–АУКЦИОН» орқали тадбиркорларга сотилади.

## УЙ-ЖОЙЛАРНИ ҚУРИШ ТАРТИБИ

**Қишлоқ жойларда:**

➢ Кўп квартирали уйлар қурилиши танлов савдоларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъекти томонидан ўз маблағлари, банк кредити ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

➢ Сув ва канализация тармоқлари, автомобиль йўлларини қуриш вилоят ҳокимликлари томонидан марказлаштирилган манбалар, халқаро молия институтлари ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан.

➢ Электр ва газ тармоқларини қуриш тегишли равишда «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ҳудудгазтаъминот» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Шаҳарларда:**

➢ Кўп квартирали уй-жойларнинг қурилиши электрон аукцион савдосида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъекти томонидан ўз маблағлари, банк кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

➢ Муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш электрон аукционда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъекти томонидан ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

## МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

➢ Пудрат ташкилотлари ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига тайёр ҳолда топшириш шартларида кўп квартирали уйларни қуришни якунлайди.

➢ Молия вазирлиги мувофиқлик мезонларига мос келадиган банклар билан Бош битим имзолайди, уларнинг рўйхатини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади ҳамда банклар буюртмалари асосида ипотека кредити учун узоқ муддатли молиявий маблағлар ажратади.

➢ Пудрат ташкилоти қуриб битказилган кўп квартирали уйлардаги квартираларни банклар билан бирга аҳолига ипотека кредити орқали сотиш ишларини амалга оширади.

➢ Қарз олувчи ипотека кредит олиш учун банкка тегишли ҳужжатлар (бошланғич бадал учун субсидия ажратилган ҳолларда – комиссия қарори нусхаси) билан аризани тақдим этади ҳамда бошланғич бадални тўлайди.

➢ Банклар фуқароларнинг бошланғич бадаллари, шу жумладан ажратилган субсидия маблағлари ҳамда ипотека кредитлари ҳисобидан пудрат ташкилотига сотиб олинган квартира учун тўловларни амалга оширади.

➢ Шартли равишда уй-жой ҳисобланган қиймати бўйича 2 хонали квартирани сотиб олишга ажратилган ипотека кредити бўйича тўловлар 2–жадвалда келтирилган.

## СУБСИДИЯ АЖРАТИШ МЕХАНИЗМИ (13 200 та субсидия)

**1. Паст даромадли ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган:**

Қишлоқ жойларда – 2.4 минг оилага биринчи беш йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисми учун –10 фоизлик пунктдан ошган қисмига бюджетдан субсидиялар ажратилади;

**Шаҳарларда** –10.8 минг оилага ипстека кредит бўйича бошланғич бадал ва фоиз тўловларининг бир қисми учун бюджетдан субсидиялар ажратилади. Шундан: ипотека кредити бошланғич бадалининг бир қисми учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида; биринчи беш йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 10 фоизлик (Тошкент шаҳрида 12 фоизлик) пунктдан ошган қисмига субсидия ажратилади.

2. Субсидия тўланадиган шахслар рўйхати Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг туман ва шаҳар бўлимлари бошчилигида ва тегишли идоралар вакилларидан ташкил топадиган Комиссия томонидан аниқланади.

3. Субсидияга аризалар 2020 йил 1 мартдан Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади.

## УЙ-ЖОЙ МАЙДОНИ ВА ҚИЙМАТИ

*(1-жадвал)*

| № | Ҳудуд | Уй-жойлар | | Ипотека кредитининг энг кўп миқдори | | Бошланғич бадалнинг энг кам миқдори | | Бошланғич бадал учун субсидиянинг энг кўп миқдори | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 метр квадрат нархи (минг. сўм) | ҳисобланган қиймати (минг. сўм) | фоизда | минг. сўм | фоизда | минг.сўм | фоизда | минг. сўм |
| 1. | | 2 хонали квартира учун (45 кв.м.) | | | | | | | |
| 1.1. | Қишлоқ жойларда | 4 300 | 193 500 | 90% | 174 150 | 10% | 19 350 | - | - |
| 1.2. | Шаҳарларда | 5 000 | 225 000 | 80% | 180 000 | 20% | 45 000 | 10% | 22 500 |
| 1.3. | Тошкент шаҳрида | 5 500 | 247 500 | 80% | 198 000 | 20% | 49 500 | 10% | 24 750 |
| 2. | | 3 ва ундан кўп хонали квартира учун (58 кв.м.) | | | | | | | |
| 2.1. | Қишлоқ жойларда | 4 300 | 249 400 | 90% | 224 460 | 10% | 24 940 | - | - |
| 2.2. | Шаҳарларда | 5 000 | 290 000 | 80% | 232 000 | 20% | 58 000 | 10% | 29 000 |
| 2.3. | Тошкент шаҳрида | 5 500 | 319 000 | 80% | 255 200 | 20% | 63 S00 | 10% | 31 900 |

## ИПОТЕКА КРЕДИТИНИНГ ШАРТЛАРИ ВА ЮКЛАМАСИ (2 ХОНАЛИ КВАРТИРА МИСОЛИДА)

*(2-жадвал)*

Ипотека кредити шартлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

| № | Кўрсаткичлар | Қишлоқ | Шаҳарлар | Тошкент ш. |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Уйнинг ҳисобланган нархи (2 хонали квартира мисолида) | 194 млн сўм | 225 млн сўм | 248 млн сўм |
| 2. | Кредит миқдори | 174 млн сўм | 180 млн сўм | 198 млн сўм |
| 3. | Кредит муддати | 15 йил | | |
| 4. | Бошланғич бадал | 10% | 20% | 20% |
| | | 20 млн сўм | 45 млн сўм | 50 млн сўм |
| а) | бюджет ҳисобидан субсидия | - | 10% | |
| | | - | 22.5 млн сўм | 25 млн сўм |
| б) | аҳоли тўлайдиган сумма | 20 млн сўм | 22.5 млн сўм | 25 млн сўм |
| 5. | Фоиз ставкаси, бозор ставкасида (шартли) | 20% | 20% | 20% |
| 6. | Кредит бўйича ўртача ойига тўлов | 3.1 млн сўм | 3.1 млн сўм | 3.4 млн сўм |
| а) | бюджет ҳисобидан фоиз тўловлари учун субсидия - қишлоқ ва шаҳарларда 10% дан, Тошкент шаҳрида 12% дан ошган қисмига | 1.4 млн сўм | 1.5 млн сўм | 1.3 млн сўм |
| б) | ахоли тўлайдиган ўртача ойлик фоиз тўлови | 1.4 млн сўм | 1.5 млн сўм | 1.9 млн сўм |
| 7. | Бюджетдан тўланадиган жами субсидия | 84 млн сўм | 109 млн сўм | 101 млн сўм |
| 8. | Қарз олувчининг (бирга қарз олувчилари билан) ўртача ойлик даромади (кредит олиш учун) | 4.3 млн сўм | 4,5 млн сўм | 4.9 млн сўм |

# «Қурилиш жараёни калькулятори»

## Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг расмий сайтида жойлаштирилади

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Кейинги йилларда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар туфайли пойтахтимиз йирик мегаполисга айланмоқда. Ер юзида шаҳарлар кўп. Кўрки ва таровати, латофати, файзи ҳамда жозибаси билан ном қозонган азим Тошкент, шубҳасиз, дунё узра машҳур ва бетакрор шаҳарлар қаторида туради. Юртимизнинг барча ҳудудлари, шу жумладан пойтахтимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини юксалтириш йўлида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли у гўзал қиёфа касб этиб, жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари, аввало, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида, келажак авлод манфаатлари кўзланиб, ҳудуд иқлими инобатга олинган ҳолда бўй кўрсатмоқда. Истиқлол йилларида қад ростлаган Мустақиллик майдони, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган «Маърифат маркази», Ҳазрати Имом мажмуаси, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, Амир Темур хиёбони, «Бунёдкор» спорт мажмуаси ана шундай улкан ишлар ифодаси самараси ўлароқ шаҳар кўркига кўрк қўшса, XXI асрнинг энг замонавий бинолари, «шаҳар ичра шаҳар» мақомини олган «Тошкент Сити», «Олмазор Сити», «Юнусобод Сити»лар алоҳида диққатга сазовор бўлмоқда. Пойтахтда транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситалари ҳаракати учун қулай шароит яратиш мақсадида кўчалар кенгайтирилиб, кўприк ва йўл ўтказгичлар, 6 ва 8 қаторли йўллар қурилди. Шунингдек, улар атрофи кўкаламзорлаштирилиб, манзарали дарахтлар ўтқазилмоқда. Умуман олганда, кейинги йилларда Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш, шу орқали атроф-муҳитнинг мусаффолиги, иқлим мўътадиллигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Одамлар турмуш шароитлари яхшиланишида қурилиш соҳасининг ҳам ўз ўрни бор. Бинобарин, давлатимиз раҳбари бир қатор чиқишларида мамлакатимиздаги қурилиш ишларини жадаллаштириш, бу жараёнда, аввало, сифат ва самарадорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, қурилишни коррупциясиз соҳага айлантириш, шаффофликни кучайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бергани бежиз эмас.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан бир қатор электрон дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш мақсадида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими устида иш олиб бориляпти. Хўш, ушбу тизим қандай афзалликларга эга?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу орқали объектлар қурилишини молиялаштиришда пудрат ташкилоти билан буюртмачи ўртасида шартнома имзолангани ва аванс маблағлари тўлангани, ойма-ой бажарилган ишларнинг ҳисоботини юритиш ҳамда бажарилган ишларга нисбатан мутаносиб равишда молиялаштирилгани тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг электрон базаси шакллантирилади. Унда, шунингдек, объектлар қурилишида иштирок этаётган барча пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлар ҳақида маълумотларни йиғиш, бажарилган иш ҳажмлари асосида тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, улар томонидан амалга оширилаётган иш турлари бўйича маълумотлар акс эттирилади. Тизим қурилиш жараёнини назорат ва мониторинг қилишда уларни рўйхатга олиш, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан амалга оширилаётган назорат текширувларини ва кўрсатиб ўтилган камчиликларни қайд этиш, уларни бартараф этиш бўйича маълумотларни ўзида мужассам этади.



Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида вазирлик ва идораларга, жумладан, қурилиш соҳасида ҳам жорий йил ва келгуси беш йилда амалга ошириладиган муҳим лойиҳалар бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилгани Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги мутасаддилари зиммасига катта маъсулият юклайди. Айниқса, Мурожаатномадаги Қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланиб, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳақидаги мулоҳазалар эътиборга молик.

Айтиш зарурки, қурилиш соҳасини ривожлантириш учун бугунги кунда амалда бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар билан ўзаро уйғунлаштиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да қурилиш соҳасини янада ривожлантириш, унга рақамлаштириш технологиясини кенг татбиқ этиш зарурати туғилди. Қурилиш назорати тўлиқ рақамлаштириладиган бўлса, назорат инспекторларига ҳам қулайлик яратилади. Шунингдек, вазирлик инспекторлар фаолиятини тўлиқ назорат қилиши таъминланади. Натижада коррупциянинг олди олиниб, жараён шаффофлашади. Бу ўз навбатида, тадбиркор-пудратчилар фаолиятининг ҳам енгиллашишига хизмат қилади. Ортиқча сарсонгарчилик ва қоғозбозликка барҳам берилади.

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими 2021 йил 1 январга қадар республикамизнинг барча ҳудудларида реал вақт режимида ишлай бошлайди. Бундан ташқари, соҳага «Шаҳарсозлик кадастри» Геоахборот тизими ҳам жорий этилади. Ушбу тизимга Ўзбекистон Республикасининг бош режалари жойлаштирилади, у жорий йилнинг 1 мартидан ишга туширилади. Бу борадаги ишлар 2025 йилга қадар давом этади.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ.**

---

**ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси**

**қуйидаги объект қурилиши бўйича пудрат ташкилотини танлаш юзасидан очиқ тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси биносини мукаммал таъмирлаш.

**Объектнинг бошланғич нархи** – 3 662 576 977 сўм ҚҚС билан; 3 184 849 545 сўм ҚҚСсиз.

**Қурилиш муддати** – 150 кун.

**Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус фонди маблағи ҳисобидан.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 46-уй.

**Тел.:** (76) 223-38-83, 223-11-52, **факс:** 223-41-50.

**Тендер савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** тендер савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзилига мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй.**

**Телефон/факс:** (76) 223-44-73, 223-44-78.

Таклиф (оферта)лар савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиши куни ва соати.

Таклиф (оферта)лар очилиши, уларни xarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган (6993104-сонли Лот) санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй.

---

# Фойдали давра суҳбати

**Эзгу мақсадларга эришишимиз энг аввало, ўсиб келаётган ёшларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишишига боғлиқ. Ҳозирда ривожланаётган давлатларнинг барқарорлик билан тараққий этишига «Коррупция» иллати қаршилик кўрсатиб келаётгани сир эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам коррупцияга қарши курашиш бутун дунё мамлакатларининг долзарб муаммосидир.**

Тошкент архитектура-қурилиш институтида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирокида «Ёшлар ўртасида терроризм ва экстремизмга қарши кураш» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида айни фикрлар илгари сурилди. Тадбирда Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар органи фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига қарашли хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар, вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш йўналишида фаолият юритувчи масъуллар, институт профессор-ўқитувчилари сўзга чиқиб, коррупция ва унинг салбий иллатлари ҳақида ёшларга атрофлича маълумотлар бердилар.

Хўш, «Коррупция» ўзи нима? Юридик энциклопедияда қайд этилишича, «Коррупция» – мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқ ва ваколатларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият туридир. Мазкур иллат мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига путур етказади, демократик институтларни заифлаштиради, ижтимоий тартибни бузади.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, мазкур иллат билан курашиш, унинг олдини олишнинг асосий йўлларидан бири, шубҳасиз, аҳолининг, давлат ва жамоат ташкилоти вакилларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдан иборатдир. Зеро, демократик қадриятлар қарор топиб бораётган бир вақтда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этиши ҳокимиятни обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига, натижада амалдаги ҳокимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлади.

Ёшлар мисоли ниҳол. Уларнинг ҳаётий кўникмаларини ошириш, ҳуқуқий ва маънавий билимларини юксалтириш таълим муассасалари вакиллари олдига катта масъулият юклайди. Шу боис ТАҚИда талабаларнинг маънавий-маърифий саводхонлигини ошириш мақсадида ижодий учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, жумладан, терроризм ва коррупциянинг хавф-хатарини таҳлил қилиш асосида уларнинг хабардорлигини оширишда бу каби учрашувларнинг аҳамияти каттадир.

**Ўз мухбиримиз.**

---

**Маълумки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 13 февраль куни ахборот технологияларини ривожлантириш, бунинг учун замонавий инфратузилма яратиш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.**

# Наманганда IT-Парк филиали қурилиши бошланди

Унда давлатимиз раҳбари IT-академия, IT-лаборатория, Коворкинг маркази, Мобиль иловалар ишлаб чиқиш маркази, Масофавий ахборот технологиялари марказини барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди. Давлат буюртмаси асосида соҳа ва тармоқлар учун зарур замонавий дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш механизмини йўлга қўйиш таклифи билдирилди.

Бундан ташқари, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ходимлари ҳамда хорижий мутахассислар учун кўп қаватли турар жой, меҳмонхона, спорт мажмуалари ташкил этиш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Наманганда IT Park филиали қурилиши бошланди. Бунинг учун 5,8 квадрат метр ер майдони ажратилди. Қурилиш ишлари ишлаб чиқилган бош режа асосида ва маҳаллий ҳокимият идоралари назорати остида олиб борилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда биринчи Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT Park) 2019 йил Тошкент шаҳрида очилган эди. У маҳаллий стартап-экотизимнинг ажралмас қисмига айланди ва мамлакат стартап-ҳаракатини янада ривожлантириш учун мақбул шароитлар яратиш имконини берди.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

---

# «ZAR AUKSION» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 27 март куни соат 9.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган 5-сонли давлат нотариал идорасининг 2020 йил 14 февралдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) «SERGELI KREDIT» МЧЖ томонидан қўйилмоқда. Бошланғич баҳо ҚҚСсиз кўрсатилган.

1. 295-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 748 800,23 сўм.
2. 297-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 329 529,93 сўм.
3. 298-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 975 426,45 сўм.
4. 299-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 677 979,53 сўм.
5. 300-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 499 849,55 сўм.
6. 301-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 437 189,17 сўм.
7. 302-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 003 754,73 сўм.
8. 303-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 712 817,15 сўм.
9. 304-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 839 304,50 сўм.
10. 305-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 338 040,20 сўм.
11. 306-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 522 174,00 сўм.
12. 307-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 428 678,90 сўм.
13. 308-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 074 575,42 сўм.
14. 309-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 649 651,26 сўм.
15. 310-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 558 221,50 сўм.
16. 311-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 769 033,75 сўм.
17. 312-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 698 763,00 сўм.
18. 313-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 527 957,85 сўм.
19. 314-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 303 091,45 сўм.
20. 315-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 287 037,51 сўм.
21. 316-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 437 189,17 сўм.
22. 317-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 578 830,56 сўм.
23. 318-ижро хатига асосан 5 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 996 799,94 сўм.
24. 319-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 102 903,70 сўм.
25. 320-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 493 845,73 сўм.
26. 321-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 225 793,63 сўм.
27. 322-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 862 113,34 сўм.
28. 323-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 224 727,09 сўм.
29. 324-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 323 876,06 сўм.
30. 325-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 022 008,45 сўм.
31. 326-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 134 441,65 сўм.
32. 327-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 465 517,45 сўм.
33. 328-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 738 770,10 сўм.
34. 329-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 230 380,95 сўм.
35. 330-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 4 010 731,68 сўм.
36. 331-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 677 979,53 сўм.
37. 332-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 570 120,30 сўм.
38. 333-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 6 138 652,30 сўм.
39. 334-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 862 113,34 сўм.
40. 335-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 301 201,65 сўм.
41. 337-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 267 219,50 сўм.
42. 336-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 091 223,64 сўм.
43. 338-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 635 519,33 сўм.
44. 339-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 12 196 968,63 сўм.
45. 340-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 003 754,73 сўм.
46. 341-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 868 312,80 сўм.
47. 342-ижро хатига асосан 6 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 5 566 856,15 сўм.
48. 343-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 867 412,80 сўм.
49. 344-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 258 709,23 сўм.
50. 345-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 6 492 621,34 сўм.
51. 346-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 210 562,95 сўм.
52. 347-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 586 329,80 сўм.
53. 348-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 425 590,20 сўм.
54. 349-ижро хатига асосан 7 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 7 649 827,83 сўм.
55. 350-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 465 517,45 сўм.
56. 351-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 5 444 328,41 сўм.
57. 352-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 4 464 106,44 сўм.
58. 353-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 4 657 711,52 сўм.
59. 354-ижро хатига асосан 2 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 9 060 082,35 сўм.
60. 355-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 150 651,15 сўм.
61. 356-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 335 510,45 сўм.
62. 357-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 333 355,10 сўм.
63. 296-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 048 112,51 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «SERGELI KREDIT» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Сирғали-2, 1-уй, 65-хонадон.

**Тел.:** (71) 257-40-50, 257-58-39.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 27 март куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати – савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «ZAR AUKSION» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 9007 9396 0001 АТБ «Турон банк» Юнусобод филиали МФО 01144 СТИР 305 014 967.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

**Мурожаат учун тел.:** 71-224-86-67.

**Электрон почта:** zarauction@yandex.ru

*536412 рақамли гувоҳнома.*

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Фарғона вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| № | Объект номи ва манзили | Бошланғич нархи ҚҚС билан | Ишларни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Бешариқ туманидаги 150 ўринли 24-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (150 ўринли ўқув блоки қуриш) қилиш | 1 564 993 085 | 180 кун |
| 2. | Қўқон шаҳридаги «Мурувват» эркак ногиронларга мўлжалланган интернат уйи биноларини реконструкция қилиш | 11 241 774 294 | 210 кун |
| 3. | Сўх тумани, Ровон қишлоғидаги туман Тиббиёт бирлашмасини реконструкция (25 ётоқли юқумли касалликлар биноси қуриш) қилиш | 4 110 328 027 | 210 кун |
| 4. | Фарғона туманидаги 15-сонли умумтаълим мактабини реконструкция (240 ўринли ўқув блоки қуриш) қилиш | 1 987 501 014 | 210 кун |
